

ШАРТНОМА № 68

« DOMINO O.K кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ж Турсунов. номидан, бир томондан ва Самарқанд ш халк таълим бўлими кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбар Х.Хожикулов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида тuzдилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Жорий таъмирлаш ишлари (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Ўлчов бирлиги	сон	нархи	Суммаси
1	Самарқанд шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли 37 мактабнинг биносини жорий таъмирлаш	Хизмат	комплект	99,955,772.	99,000,000
	ЖАМИ				99,000,000

1.3. Шартноманинг умумий 99 000 000 сўммаси (тўқсон тўққиз миллион) сўмни ташкил қилади

2. ТОМОНЛАРНИНГ**ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ****2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:**

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;
- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш

3. ШАРТНОМАНИНГ

БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 99 000 000 сўммаси (тўқсон тўққиз миллион) сўмни ташкил этади.

3.2. Қўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Ғазначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% миқдорда олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.5. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.6. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.7. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажминини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажрилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожат қилишга ҳақлидир.

7. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1 Шартнома газначилик бўлиналарида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади, ёки тарафлардан бири булмиш истеъмолчи етказиб берувчини оғохлантирган ҳолда, туловларни тулик тулаган кунига қадар амал қилади. *

7.2 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган ва бир хил юридик кучга эга булиб икки тарафда бир нусхадан сақланади

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома Ғазначилик органларида рўйхатга олингандан сўнг қонуний кучга киради.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР.

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яни улар, уларнинг ходимлари, кафилланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

9.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилиқда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

10. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

Ижрочи
« DOMINO O.K
Манзили Самарканд ш челақ кўчаси 17 уй
тел\факс 93 724 84 29
х\р 202080000900743703001

Буюртмачи
Самарканд ш Халқ таълим бўлими
Манзили Регистон 6 уй
тел\факс 235 06 16

х/р 100022860184017092100075139
Банк номи Марказий банк


Банк номи қурилиш банк
МФО 0028711001204696104
201213210

МФО 00297 ИНН

Рахбар _____ Турсунов



Рахбари _____ Х.Хожикулов

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	XURSHIDJON HOJIQULOV QAHHOROVICH
	Imzolangan sana	02.12.2022 11:59
	Hujjat kodi	HM2530331161
	Hulosa kodi	YS0860171200



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DOMINO" Oilaviy korxonaga

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"DOMINO" OK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

28.02.2017

15372

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil);

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

304696104

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Oilaviy korxonaga

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Samarqand shahri, CHELAK, 17,

Guvohnoma

Samarqand viloyati, Samarqand shahri, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

to'mondan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi);



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

YS0860171200

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Samarqand shaxar xalq talim bo‘limiga qarashli 37 maktabning binosini joriy tamirlash**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: SAMARQAND SHAHAR XALQ TA'LIMI BO'LIMI tomonidan 29.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Samarqand shahar
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



N.J.NURNAZAROVA
29.11.2022